



Нега уйимизни тоза тутамизу, кўчамизни озода сақлолмаймиз? 3-с.

“Халққа ҳамроҳликдан кўп ҳикмат топдик”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№41
(2369)

2026 йил
20 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходимлари ва бир гуруҳ маҳалла раисларидан иборат делегация айни кунларда Хитой Халқ Республикасининг Гуизҳоу провинцияси Гуянг шаҳрида бўлиб турибди.



Делегация аъзолари провинциянинг Лонгжинг қишлоғига таширф буюриб, ҳудудда қишлоқ туризмни ривожлантириш, оилаларни камбағалликдан чиқариш, ишсиз аҳолини банд этиш, оилавий даромадларни ошириш ҳамда торморқачиликни самарали ташкил этиш борасидаги илғор тажрибалар билан танишди.

Таширф давомида аҳолини бошқариш тизими, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш йўналишларида ҳам ўзаро мулоқот ва тажриба алмашинуви ўтказилди.

Мазкур амалий сафар маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган замонавий ёндашувларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда тажриба алмашиш жараёнлари давом этмокда.

6-саҳифа



“ҚИЙНАЛГАННИ ҚЎЛЛАСАК, ДАРДМАНДГА ДАРДА БЎЛСАК, МАРРА БИЗНИКИ!”

8-САҲИФА

“ПАНЖАРА ОРТИДА ҚУЁШ ЁРҚИН ПОРЛАМАЙДИ...”

Ёшлик жўшқин дарёга қиёсланади. Бу даврдаги куч-ғайратни илм олишга, касб ўрганишга сарфлаш лозимлигини ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди. Афсуски, умрини бесамар, мазмунсиз ўтказётган ана шундай ёшлар йўқ эмас...



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НАМУНАЛИ БЎЛМОҚЛИК ШАРТИ ОДДИЙ: “Кейин”, деган сўз муаммолар кўламини кенгайтиради

Маҳалламиз жорий йилнинг биринчи чорагига кўра, республика маҳаллаларининг “ТОП-100” талигидан ўрин олгани биз учун нафақат эътироф, балки халқ ишончини янада мустаҳкамлашга даъватдир. Чунки ҳар қандай юқори натижа ортида одамлар билан тизимли ишлаш, ҳамжиҳатлик, интизом ва фидоко-рона меҳнат мужассам.



Маҳалламизда бугун 2 минг 700 нафардан зиёд аҳоли истикомат қилади. Ҳар бир хонадоннинг кайфияти, турмуш шароити ва муаммосини билиш — фаолиятимизнинг асосий тамойилига айланган. Биз учун рақам эмас, инсон тақдири муҳим. Шу боис маҳаллада ҳар бир мурожаат, ҳар бир муаммога “кейин” деб эмас, айнан жойида ва ўз вақтида ечим топишга ҳаракат қиламиз.

Йил бошида маҳаллада 66 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда турган эди. Биринчи чоракнинг ўзида уларнинг барчаси иш билан таъминланди. Бу рақамлар ортида эса оиласига даромад кириб келаётган, эртанги кунга ишончи ортан инсонлар тақдири турибди. Айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар билан ишлашда ўзига хос тажриба шакллантирдик. Йил бошида хорижда юрган 74 нафар фуқаронинг барчаси бугун юртимизга қайтди ва уларнинг ҳар бири даромадли меҳнат билан қамраб олинди.

Давоми 2-саҳифада.



ТАНЛОВ



“МАҲАЛЛАМ — ЛОЙИҲАМ”: ТАШАББУСДАН НАТИЖАГА, ҒОЯДАН ТАРАҚҚИЁТГА!

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ташаббусдан тараққиётга: “Маҳаллам — лойиҳам” ғолиблари миллий форуми” бўлиб ўтди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир доирасида маҳаллаларда аҳоли ташаббуси асосида амалга оширилган энг намунавий ва самарали лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Ўз маҳалласи тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган фаол маҳалла раислари, ёшлар етакчилари ва ташаббускорлар тантанали тақдирланди. Форум давомида турли йўналиш ва номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилиниб, уларнинг саъй-ҳаракатлари юксак эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, “Маҳаллам — лойиҳам” танлови маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини оширишга қаратилган энг яхши ғоя ва лойиҳаларни аниқлаш мақсадида ташкил этилди. Унда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги 33 та туман (шаҳар)” макomini олган ҳудудлардаги маҳаллалар фаол иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

АҚЛ, МАҲОРАТ ВА ПРОДА БЕЛЛАШУВИ

Айни пайтда маҳаллаларда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 30 ёшдан юқори аҳоли ўртасида ўтказиладиган “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларининг қуйи босқичлари бўлиб ўтапти.



Мусобақаларда 30 ёшдан катта аҳоли вакиллари уч босқичда спортнинг етти тури — мини-футбол, волейбол, стол тенниси, стритбол, воркут, шахмат ва шашка бўйича ўзаро беллашади.

Хусусан, Нукус шаҳрида ўтказилган шахмат ва шашка мусобақалари ҳақиқий спорт байрамига айланди. Унда 1-сектор ҳудудидаги 17 та маҳалладан жами 109 нафар спортчи иштирок этиб, кейинги босқич йўлланмаси учун ақл ва маҳорат синовида куч синашди. Қизгин ва мurosасиз кечган беллашувлар томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ҳар бир баҳсда иштирокчиларнинг ғалабага бўлган интилиши, спортга меҳри ва жамоавий руҳи яққол сезилди. Яқунда ғолиблар аниқланиб, кейинги босқичга йўлланма берилди.

Урганч шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида ташкил этилган шахмат ва шашка мусобақалари ҳам юқори савияда ўтказилди. Қизгин ва мurosасиз баҳсларга бой кечган мусобақалар якунига кўра, шахмат бўйича “Авесто” маҳалласидан Машарип Худайбергандов ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўринини “Маърифат” маҳалласи вакили Сафо ота Каримов, учинчи ўринини “Жамбул” маҳалласидан Мақсуд Жуманиёзов эгаллади. Шашка баҳсларида эса “Бешмерган” маҳалласидан Санъат Саъдуллаев биринчи, “Шодлик” маҳалласи вакили Марим Ражабов иккинчи, “Саховат” маҳалласидан Мунаввар Жабборова учинчи ўрин соҳибига айланди.

Бундай мусобақалар маҳаллаларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт орқали инсонларни янада яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этмокда.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Боку шахрида Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Президентимиз БМТ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИ, БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури ижрочи директори Анаклаудия Россбах билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сербия Республикаси Президенти АЛЕКСАНДР ВУЧИЧ билан учрашуви бўлиб ўтди.



ТОШКЕНТ В.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НАМУНАЛИ БЎЛМОҚЛИК ШАРТИ ОДДИЙ: “КЕЙИН”, ДЕГАН СЎЗ МУАММОЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Давоми. Бошланиши 1-сҳифада.



Яйра УСМОНОВА, Қўйи Чирчиқ туманидаги “Ғалаботир” маҳалласи раиси, халқ депутатлари Қўйи Чирчиқ тумани Кенгаши раиси.

Биз бир ҳақиқатни чуқур англаганимиз: даромадли инсон — эртанги кунига ишонган инсон. Бандлик таъминланган жойда жиноятчилик ҳам, ижтимоий тушқунлик ҳам камаydi. Шу маънода, маҳалламизда биринчи чорак давомида жиноятчилик ва оилавий ажралиш ҳолатлари кузатилмагани барчамизни қувонтирди. Бу натижа бутун “еттилик” аъзолари, нурунийларнинг ҳамжихатлиги самарасидир.

“Ғалаботир” маҳалласида аҳоли билан ишлашнинг муҳим жиҳатларидан бири — профилактика ва доимий мулоқот тизими йўлга қўйилганидир. Биз муаммо келиб чиққандан кейин эмас, унинг олдини олишга устувор аҳамият қаратамиз. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасида шаклланган 38 миллион сўмдан зиёд маблағнинг қарийб 26 миллион сўми бевосита аҳоли муаммоларини ҳал этишга йўналтирилди.

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишни истардим: маҳалламизда аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳити жуда кучли шаклланган. Бунини “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 11 маротаба ғолиб бўлганимиз ҳам яққол тасдиқлайди. Энг муҳими, бу ютуқлар ортида одамларнинг ўзаро ишончи, бир мақсад йўлида бирлаша олиши ва маҳалла тақдирига бефарқ эмаслиги мужжасам.

Ушбу лойиҳалар орқали ички кўчалар асфальт қилинди, маҳалла қабристонни тулқ таъмирланди, замонавий маҳалла гузари, болалар майдончалари ва ёпиқ футбол стадиони барпо этилди. Шунингдек, мактаб ошхонаси ҳамда ўқув бинолари реконструкция қилиниб, аҳоли, айниқса ёшлар учун муносиб шароитлар яратилди.

Маҳалламизда ҳомийлик ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида масъулият билан ёндашилади. Бир воқеани мисол қилиб келтирсам: янги йил арафасида бир эҳтиёжманд оила вакили жигар циррози сабаб шошилинч операцияга муҳтож бўлиб қолди. Афсуски, оиланинг бу амалиёт учун маблағ топиш имконияти йўқ эди. Шунда маҳалламизнинг телеграм гуруҳи орқали аҳолига мурожаат қилдик. Маҳалладошларимиз бефарқ қолмади — бир кун ичида 18 миллион сўм ҳомийлик маблағи йиғилди ва фуқаро операция қилиниб, соғлиги тикланди. Ана шундай бирдамлик ва инсонпарварлик муҳити маҳалламизнинг энг катта бойлиги, деб ўйлайман.

Бундай хайрли ишлар мисолини яна қўллаб келтириш мумкин. Жумладан, утган йили ҳомийлар кўмағида 245 та оилга амалий ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар 128 та оила

Тажрибамиздан келиб чиқиб айтсак, маҳаллада, биринчи навбатда, рақам учун эмас, инсон учун ишлаш керак. Ҳар бир хонадон билан яқин мулоқот бўлмаса, ҳақиқий натижага эришиб бўлмайди. “Еттилик” фаолияти расмийликка айланмаслиги лозим. Ҳар бир аъзо ўзини маҳалла тақдирини учун масъул деб билсагина тизим ишлайди. Зеро, бу соҳада натижага эришиш учун фақат лавозим ёки ваколатнинг ўзи етарли эмас. Қачонки халқ дардини ҳис қилсак, одамлар билан ишласак, ташаббускор ва масъулиятли бўлсаккина одамлар бизга ишонади ва ортимиздан эргашади.

қўллаб-қувватланди. Бу рақамлар ортида инсон тақдирини, оила қувончини ва маҳалладаги меҳр-оқибат муҳити муҳасса.

“Еттилик” фаолиятида эса тезкорлик ва ҳамжихатликка таянғимиз. Келиб тушган мурожаатларнинг барчаси қўриб чиқилди, муаммолари маҳаллаларнинг 93 фоизи жойида ҳал этилди. Бунинг

ортида тунни кунга улаган меҳнат, халқ билан елкама-елка туриш, муаммоларни идорада эмас, одамлар орасида ҳал қилишдек ёндашув мужжасам. Биз “еттилик” вакиллари сифатида фақат раҳбар эмас, аввало, одамларни эшита оладиган инсон бўлишимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Эҳтиром, бирдамлик ва озодалик

Мамлакатимиз бўйлаб “Аждодларимиз, ота-оналаримиз, ўтганларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод қилиш ҳафталиги” давом этмокда.



Айни кунларда Навоий вилоятида ҳашар тадбирлари юқори уюшқоқлик, ҳамжихатлик ва фидойилик руҳида кечмокда. Унда маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, юрт ободлиги ва муқаддас қадимжоларни озода сақлаш йўлида фаол иштирок этяпти. Хусусан, вилоятдаги 489 та қабристон ва зиёратгоҳда кенг кўламли тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, маҳаллалардаги ариқ ва лотоклар тозаланиб, 40 дан ортиқ таъмирталаб хонадон обод қилинди.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги барча зиёратгоҳ ва қабристонларда ҳам ҳашар тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилмокда. Маҳалла аҳли, жамоатчилик ва тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида қабрлар атрофи тозаланиб, бегона ўт-

лар ва чиқиндилар йиғиштирилмокда, йўлаклар тартибга келтирилиб, зиёратчилар учун қулай ва озода муҳит яратилапти.

Айтиш жоизки, ҳафталик доирасида ҳудудидан темир йўл ўтган маҳаллаларда ҳам кенг қамровли ободонлаштириш ишлари олиб борилмокда. Ҳар шанба ва яшанба кунлари умумхалқ ҳашарлари ташкил этилиб, ноқонуний қурилишларга қарши жамоатчилик назорати кучайтирилган.

Эътиборлиси, таъмирталаб хонадонларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси, маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу билан бирга, 50 мингдан ортиқ хонадон томорқасидан самарали фойдаланиш чоралари қўрилиб, ҳокимликлар ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида нотурар жой объектларида ҳашар ташкил этилади.

ТАНЛОВ

“МАҲАЛЛАМ — ЛОЙИҲАМ”: ташаббусдан натижага, ғоядан тараққиётга!



Баҳром БАҲОДИРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва истиқболли лойиҳалар офиси” бош мутахассиси.

Давоми. Бошланиши 1-сҳифада.

Эътиборли жиҳати шундаки, “маҳалла еттилиги” вакиллари аҳоли ва кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда, ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммолар ечимига қаратилган қатор амалий лойиҳаларни ишлаб чиқди. Лойиҳалар “Рақамли маҳалла” платформаси орқали аҳоли овози билан сараланиб, жараёнда 18 ёшга тўлган фуқаролар фаол иштирок этди. Муҳими, барча жараёнлар очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этилди.

Ғолиб лойиҳалар мазмун-моҳиятига назар ташланса, уларнинг бевоқифа аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, айниқса, ёшлар ва болалар учун қулай муҳит яратишга қаратилганини қўриш мумкин.



Жумладан, мини футбол ва волейбол майдони қуриш, қуёш батареяли ҳамда LED ёриткичи кўча чирокларини ўрнатиш, болалар майдончаларини бунёд этиш, таълим муассасасини замонавий жиҳозлаш, кутубхона ташкил этиш, пиёдалар йўлакчаси қуриш, мини парк яратиш, дам олиш масканларига ўриндиқлар ўрнатиш ҳамда дарахтзорлар барпо этишга қаратилган ташаббуслар алоҳида эътироф этилди. Энг муҳими, бу лойиҳалар маҳаллаларда одамларнинг “Менинг маҳаллам — менинг масъулиятим” деган туйғуси тобора кучайиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

СЕМИНАР

Самарқанд вилоятида маҳалла тизими раҳбар ва мутахассис кадрлари учун семинар-тренинг машғулотлари ташкил этилди.

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ — БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА САМАРАЛИ БОШҚАРУВДА



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинар машғулотлари давомида “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида белгиланган устувор вазифалар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга қаратилган давлат дастурининг мазмун-моҳияти атрофича тушунирилди. Шунингдек, Ислохотлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, маҳаллаларда тизимли ва самарали иш ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилди. Қонунийликдаги соҳага оид янгиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган қўшимча ва ўзгаришлар юзасидан тушуниришлар берилди. Қолаверса, иштирокчилар учун тайм-менежмент, иш самарадорлигини ошириш, аҳоли билан самарали мулоқот ўрнатиш каби муҳим йўналишларда маъруза ва амалий тавсиялар тақдим этилди.


Маълумот учун, қисқа муддат — атиги бир ой давомида танловда 33 та туман ва шаҳардаги 1 609 та маҳалладан 1 390 та лойиҳа шакллантирилди. Мазкур ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Овоз бериш жараёнида қарийб 45 минг нафар фуқаро фаол иштирок этиб, энг кўп овоз тўплаган 33 та лойиҳа ғолиб, деб топилди.

Овоз бериш жараёнида Пай-арик туманидаги “Каттасайдов” маҳалласи энг юқори фаоллигини намоён этди. Маҳаллада овоз бериш ёшидаги аҳолининг 82 фоизи иштирок этиб, жами 1 637 та овоз тўпланди.

Бўқа туманидаги “Мирзабек” маҳалласи — 1 221 та овоз, Қўнғирот туманидаги “Ўрнек” маҳалласи — 1 178 та овоз, Ўзбекистон туманидаги “Дўнгсарой” маҳалласи — 1 082 та овоз, Каттақўрғон туманидаги “Янгиравот” маҳалласи — 1 028 та овоз, Янгиарик туманидаги “Шихбоғи” маҳалласи — 1 003 та овоз тўплашга муваффақ бўлди. Бу кўрсаткичлар юртимиз маҳаллаларида фуқаролик фаолиги ва дахлдорлик муҳити тобора кучайиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Умуман, мазкур танлов аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, инсон манфаатига хизмат қиладиган лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳамда ҳудудларини обод, хавфсиз ва замонавий инфратузилмага эга масканларга айлантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Семинар якунида тизимда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, маҳаллаларда фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш юзасидан тегишли қўрсатма ва тавсиялар берилди.



Самарқанд шаҳрининг 2045 йилгача бўлган бош режасига кўра, шаҳар ҳудуди ҳозирги 11,2 минг гектардан 28,4 минг гектаргача оширилади.



Ўзбекистонда бизнес учун молиявий жарималарни қўллаш тартиби АЛОҲИДА ҚОНУН БИЛАН БЕЛГИЛАНИШИ мумкин.



Тошкент шаҳрида АВТОТРАНСПОРТДАН МЕТРО ТИЗИМИГА ҚУЛАЙ ЎТИШНИ ТАЪМИНЛАШ мақсадида “Park&Ride” тизимини йўлга қўйиш таклиф қилинди.

2026 йил
20 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №41

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Кунига ўнлаб инсонлар муаммосига ечим излаб келади. Ҳамманинг мурожаатига тезкор эътибор қаратамиз. Фақат бир тоифа — боқимандалар билан ҳеч мурса қила олмаймиз. Уларнинг талаби битта — ишламасдан фаровон яшаш. Шундайларни кўрганда аччиқ-аччиқ гапларимиз билан танбеҳлаймиз, дакки берамиз.

“КИЧИК ИМКОНиятНИ КАТТА БИЗНЕСГА АЙЛАНТИРЯПМИЗ

аммо боқимандалар билан
мурса қила олмаймиз”

Достонбек КАМОЛОВ,
Боёвут туманидаги
“Марказ” маҳалласи
ҳоким ёрдამчиси.



Аслида ҳам, Яратган оёқ-қўлини бут қилиб қўйган бўлса, нега ҳовлисини кимдир бориб ўраб бериши керак? Нега кучасидан ўтган ариқни қазиб қўйишга ярамайди-ю, бошқалардан уйини таъмирлаб беришни сўрайди? Нега меҳнат қилишдан қочади? Бу тоифалар на ўзига, на оиласига, на жамиятга наф келтиради. Ишлашни истамайди, аравасини бировга торттиришга ҳаракат қилади. Эл қатори ишласа, бировдан ёрдам сўрашга эҳтиёж қолмайди-ку?! Яхши яшашни истаган меҳнатдан қочмаслиги керак. Аҳоли билан мана шу мезон асосида ишляпмиз.

Дарҳақиқат, фаровонлик сари йўл, бу — ҳар бир инсоннинг ўз меҳнати, сабри ва интилиши билан бошланади. Маҳалламизда мана шу тарзда юқори даромад топаётган оилалар кўп. Улар кичик имкониятни катта бизнесга айлантирган, десам хато бўлмайди.



Мисол учун, куёнчилик янги “ўсиш нуқта” сифатида ривожланияпти. Хориждан келтирилган безор ва даромадли жониворлар маҳаллий шароитга мослаштирилиб, наслчилик йўлга қўйилди.

Фикримиз исботини бир оила мисолида кўриб чиқсак, Жўраевлар хонадони мазкур соҳада бошқаларга ўрнак ва намуна бўляпти. Бу ерда 5 та давлатдан олиб келинган зотдор куёнлар парваришланияпти. Оила бекаси Фароғат Жўраева фаолиятини икки йил аввал ҳаваскорликдан бошлаганди. Уша пайтда сотиб олинган тўрт бош куён “еттилик” кўмагида 300 бошга етди. Бунинг учун хонадон аъзоларига 10 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Даромад йилига 30-40 миллион сўмни ташкил этапти. Эътиборлиси, тадбиркор аёлининг ҳаракати бошқалар учун тажриба мактаби вазифасини бажаряпти. Соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, у катта жой талаб қилмайди. Ортиқча харажатсиз ҳам фаолиятини ривожлантириши мумкин. Йилига беш-олти марта кўпайиши эса, даромадли бизнес эканига исботдир.

“Еттилик” билан бир ташаббусни жорий этганмиз. Яъни, аҳолини камбағалликдан ҳалос этишда, аввало, уларни маънавий қашшоқликдан чиқаришга эришдик. Чунки маънавияти бой инсон ҳар қандай муаммоли вазиятда чора топа олади. Бунинг натижасида йилдан йилга ишсизлик ва камбағаллик ҳажмаси пасайиб борапти. Йил бошида камбағаллик 6,5 фоизни ташкил этган эди. Бугунги кунга келиб, 3,6 фоизга тушди. Ишсизлик эса 6 фоиздан 4,2 фоизга камайди.

МАККАЖЎХОРИ ТЎҒРИ ЎҒИТЛАНСА, ҲОСИЛДОРЛИК ОРТАДИ

Ҳар бир деҳқон ва томорқа эгаси билиши шарт бўлган энг муҳим омиллар бор. Яъни, маккажўхорини керакли вақт ва тўғри ўғитлаш ҳосилдорликни икки баробарга ошириши мумкин.



Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази директори.

Бунинг учун қуйидагиларни босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Беш кунлик даврда биринчи ўғитлашни амалга оширинг. Жараёнда илдиз тизимини бақувват қилиш учун фосфорга бой ўғитлар беринг. Бу ўсимликнинг “пойдевори”ни мустаҳкамлайди.

Дастлабки 25 кунлик даврда иккинчи ўғитлаш амалга оширилади. Бу даврда поя ва барглар жадал ўса бошлайди. Шунинг учун уларга “қувват” бўлишини таъминлайдиган азот ва калийга бой аралашмалар қўлланг.

Ўсимликнинг 45 кунлик даврида учинчи ўғитлаш бажарилади. Тулиқ шаклланиб улгургани учун азот манбалари — карбамид ёки аммоний сульфат бериш тавсия этилади.

Эсда тутинг, вақтида ва тўғри берилган ўғит — сифатли ҳосил гаровидир!

ТАВСИЯ

Кечки пайт одатдагидек, рўзғорга зарур нарсаларни харид қилиш учун маҳалла дўконига чиқдим. Пиёдалар йўлагидан ўтиб борарканман, беихтиёр белгиланмаган жойга ташланган чикинди уюмига кўзим тушди.

Махлиёхон ЮСУПОВА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий
коммуникациялар
университети талабаси.



Ачинарлиси, бу биринчиси эмас. Ҳар куни ўтган-кетган йўловчи улоқтирган чикиндини супурувчи аёллар тозалаб қўяди. Афсуски, эртасига яна шу ҳол такрорланади...

Ёзининг жазирамасида бу каби ишлар янада авж олади. Атроф-муҳитга зарар етказиш кузатилади. Яхна ичимлик идишлари, музқаймоқ ўрамлари ҳамда шу каби бир қанча турдаги маиший чикиндилар кўчаларга ташлаб кетилишига гувоҳи бўламиз.

Ҳақли савол туғилади: нега ўз уйимизни тоза тутамиз, кўчамиз, маҳалламиз тозалигига эътиборсизмиз?

Ҳар куни фарзандларим билан сайрга чиққанимда атрофдаги чикиндиларга кўзим тушади, — дейди Олмазор туманидаги “Қуёш” маҳалласида яшовчи Сарно Ҳожимуродова. — Бу ҳолат кайфиятга ҳам салбий таъсир қилади. Вазият учун фақат бир кишини айблаш хато, деб ҳисоблайман. Фикримча, аввало, аҳолининг экологик билими ва дунёқарашини ўзгартириш керак. Қолаверса, махсус чиқинди қутилари сонини кўпайтириш лозим. Кўриб турганингиздек, шундай катта маҳаллада кичкинагина чикинди қутиси бор, холос. У ҳам доим тўла бўлади. Хизмат кўрсатувчи ташкилот мунтазам тозалаб турмайди.



Экологик мувозанат барқарорлигини таъминлаш мақсадида қонунчиликда аниқ жавобгарлик белгиланган. Қоидабузарларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, жарима қўлланади. Англаганингиздек, ҳамжиҳатлик ва тартиб-интизом, ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, бу чоралар таъсир кучига эга бўлади.

Экологик маданиятни оиладан, мактабгача таълим ташкилотидан бошлаш муҳим. Ҳар бир маҳалла, кўчаларда чикинди қутиларини қўпайтириш, шунингдек, чикиндини саралаш бўйича аҳоли орасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш яхши самара беради.

Энди чикиндиларга чикинди деб эмас, даромад манбаи деб қараш лозим. Уларни саралаш ва қайта ишлаш орқали турли хўжалик моллари, елим идишлар ва қоғозлар ишлаб чиқариш мумкин.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.





Мақтаб ўқувчилари ўртасида Алишер Навоий номидаги ХАЛҚАРО ЎЗБЕК ТИЛИ ОЛИМПИАДАСИ ташкил этилади.



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: 2026 йил 1 январь ҳолатига қўра, Ўзбекистонда ҳар минг нафар аёлга 1 015 нафар эркек тўғри келган.



Ўзбекистонда доривор ва техник ўсимликларни йиғиш ФАҚАТ МАХСУС РУХСАТНОМА АСОСИДА ВА ҲАҚ ЭВАЗИГА амалга оширилади.

4

Mahalla

№41

2026 йил
20 МАЙ,
ЧОРШАНБА



НАМАНГАН

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“ХАЛҚҚА ҲАМРОҲЛИКДАН КЎП ҲИКМАТ ТОПДИК”

Халқ билан ҳамкорликда ишлашнинг ҳикмати кўп. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос фикр, янги ғоя ва ташаббуслар бор. Айримларига эса маслаҳат берадиган, йўл кўрсатадиган ҳамроҳ керак. “Еттилик”нинг тўғри ёндашув асосида фаолият юритиши барчани бир нуқтада бирлаштиради.

Алишер ИБРАГИМОВ,
Чуст туманидаги “Янги боғишамол”
махалласи раиси.

Бундан беш йил аввал ташкил топган маҳалламизда ишни тўғри ташкил этишни айнан шу тамойил асосида олиб бордик. 3 404 нафар аҳоли вакили билан эринмай юзма-юз суҳбатлашдик. Билдирилган эътироз ва таклифларни бирдек инобатга олдик. Қимга қандай шароит зарур бўлса, яратиб беришга ҳаракат қилдик.

Айниқса, нуронийлар ва фаоллар иштирокида ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари яхши натижа берди. Шу орқали жиноятчиликни бутунлай бартараф этдик. Оилавий келишмовчиликларга нуқта қўйдик. Ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айландик.

Маҳалламиз “драйвери” хизмат кўрсатиш, лекин фуқароларимиз орасида ер билан тиллашаётган, кафтдек томорқасидан унумли фойдаланаётганлар ҳам талайгина. Иқлим шароитимизда картошқадан яхши ҳосил олиш имкони бўлгани учун кўпчилик мазкур экинни етиштиришга катта қизиқиш билдирапти.



Жорий йилда 7 нафар ишсиз ва эҳтиёжманд кишига қайта экин экиш учун 30 сотихдан ер тарқатишни мўлжаллаганмиз. Улар ловия ва картошқадан мўл ҳосил олишни ният қиляпти. Меҳнат қиламан, деган одамга ёрдам бериш бизнинг бурчимиз. Янги иш бошлаётган миришкорларга тажрибали деҳқонларни бириктириш орқали зиммамиздаги масъулиятни адо этишга киришганмиз.

Натижалар қанча яхши бўлмасин, доим замон билан ҳамнафас ўзгариш ва ривожланиш сари илдамлаш зарур. Биз “еттилик” вакиллари ҳам шу ёндашув асосида фаолиятимизни бундан-да самаралироқ ташкил этиш учун бор куч ва ғайратимизни сарфлаймиз.

Маҳалламизда дўппи тикишни билмайдиган аёлнинг ўзи йўқ. Охириги йилларда мазкур ҳунармандчилик йўналишини ўрганиб, ўзини ўзи банд қилаётган хотин-қизлар сони анча ортди. Айни вақтда 300 та хонадон вакиллари эркеклар Чуст дўпписини тайёрлаб, харидорларга етказиб берапти. Насиба Қурбонова ҳам шулардан бири. У устоз сифатида қўни-қўшниларига касб сирларидан сабоқ берапти. Унинг ортидан эргашганлар сира кам бўлмапти.

Маҳаллада фаолият юритиш катта сабр ва серқирра билим талаб этади. Мана тўрт йилдирки, ўз лавозимимга муносиб бўлиш учун тинимсиз изланишдаман. Ўқишдан ташқари, одамлар билан кўпроқ суҳбатлашиб, бирини кўриб фикр, бирини кўриб, шукр қиляпман.



НАВОИЙ

Паррандачилик — аёллар бандлигига муносиб ечим

Мунаввар ПИРНАЗАРОВА,
Навбахор туманидаги
“Чорвоқгузар”
махалласи хотин-қизлар
фаоли.

Йиллар давомида хотин-қизлар билан ишлаб, ўзим учун кўплаб хулосалар чиқардим. Биринчи навбатда, аёллар бандлигини таъминлаш зарурлигини тушуниб етдим. Шу орқали ишсизлик, камбағаллик ҳамда ажрашишларнинг олдини олишга эришяпмиз. Жорий йилда бирорта оиланинг бузилишига йўл қўймадик. Иккита эр-хотиннинг судга топширган аризасини қайтаришга эришдик.

Бундан ташқари, хонадонларда деҳқончилик ва чорвачилик бўйича ҳам ижобий натижаларни кўриш мумкин. Биргина аёлнинг ўзи товуқ боқади, қўй-қўзи, сигир-бузоғига қарайди, томорқасида кўкат етиштириб сотади. Шунинг ортидан қўнига 400 минг сўмгача пул топади.

Моҳигул Нуруллаева бунга яққол мисол бўла олади. У фарзандидаги ногиронлик сабаб кўчага чиқиб ишлолмайди. Лекин рўзгор харажатлари учун пул топишга мажбур. Айни муаммони ҳал қилиш мақсадида аёлга паррандачилик билан шуғулланишни тавсия қилдик. Айни вақтда хонадонда 300 та товуқ боқилляпти. Қолаверса, қўчанинг лидер тадбиркори сифатида қўни-қўшниларида тухум йиғиб, бозорга топшириб келишни ҳам уддалаяпти. Қўнига топилаётган 350-400 минг сўм маблағ уч нафар боланинг кам-қўстини қоплашга бемалол этади.

Олия Оролова эса гарчи ёши 80 га яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, тадбиркорлигини кундан-кунга ривожлантираётган аёлларимиздан. Маҳалламизда бўш турган ташкил етган новвойхона ва тикув цехида ҳозирги кунда 6 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Энг муҳими, келини ва неваря келинларининг ҳам ишли бўлишга шароит яратиб берган.

Янги ғоя ва ташаббус ҳеч қачон зое кетмайди. Агар инсон астойдил интилса, албатта, қилган меҳнатининг роҳатини кўради.



Ҳудудимизда “Бир кўча — бир маҳсулот” тамойилини амалга татбиқ этиб келяпмиз. Бунда аҳоли вакилларининг қизиқиши ва имкониятидан келиб чиқиб, иссиқхона, томорқа, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтиряпмиз. Бундан ташқари, бир кўча-миздаги 75 та хонадон паррандачилик ортидан қувонарли натижаларни қўлга киритяпти. Улар 2 000 тадан 50 тагача товуқ парвариш-лаб, қулиқ даромад топяпти. Асосий ташаббускорлар эса хотин-қизлар.



Сахифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХОДЖАЕВА
тайёрлади:

ДАРОМАД МАНБАИ

Саодат Тоғаева ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, оиласига қўшимча даромад манбаини яратётган меҳнатсевар ва ташаббускор фуқаролардан бири.

Рўзгорнинг бор баракаси томорқадан

Гулимира СОЛИЕВА,
Бухоро туманидаги
“Работикалмоқ”
махалласи хотин-қизлар фаоли.



Аёл оила аъзолари билан биргаликда томорқачилик, иссиқхоначилик ҳамда асаларичилик билан шуғулланади. Шу билан бирга, оғилхонада чорва моллари боқиб, рўзгор кам-қўстини тўлдираётгани, омилкорлик билан иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Томорқа ерида картошқа, помидор, қулупнай ва саримсоқпиёз экиб, парваришляётган бўлса, 2 сотихдан иборат иссиқхонада бодринг ва бўлғор қалампири етиштирилмоқда.

Хонадон меҳнаткашлари ҳадемай, 700 килограмм картошқа, ярим тоннага яқин помидор, яна бир тонна атрофига бодринг ва саримсоқпиёз олиш ҳаракатида.

Саодат Тоғаева, шунингдек, оғилхонасида 3 бош қорамол, соғин сигир, 4-5 бош қўй-қўзи парваришлаб, рўзгорида барак қиритмоқда. Хонадон дастурхонида сархил сабзавот маҳсулотлари билан бирга, сут, қатиқ, сариеғ, тухум бор. Қолаверса, томорқа четида парваришлянаётган асалари уяси ҳам 8 тага етказилган. Йилда икки марта асал тортиш мавсумида бу асалари оилаларининг ҳар биридан 10-12 килограммдан бол олинмоқда.

Қўриниб турибдики, шу таразда бир оиланинг моддий эҳтиёжи, дастурхон тўқинлиги ҳалол пешона тери эвазига таъминланмоқда.

ТАДҚИҚОТ

БОЛАНИ ДОМИГА ТОРТАЁТГАН “РАҚАМЛИ ЭНАГА”ЛАР

Мутахассисларнинг фикрича, боланинг ижтимоий кўникмалари ва жамиятга мослашуви тенгдошлари билан мулоқот, ўзгалар ҳис-туйғуларини тушуниш ва дўстлашиш орқали шаклланади. Бироқ бугунги аҳборот асрида кўплаб болалар гўдаклик чоғиданоқ телефон ва гаджетлар билан улғаймоқда. Бу давр тақозосими ёки ота-оналарнинг бефарқлигими?



Одилжон ЁҚУБОВ,
“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот
институтти докторанти.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти ёш олимлари ўтказган сўровда ота-оналардан фарзанди қўнига телефон, планшет ёки телевизор қаршида қанча вақт ўтказиши сўралди. Сўровда иштирок этган 320 нафар иштирокчининг жавоблари қуйидагича тақсимланди:

- ✓ 30.3 фоиз бола – қўнига 1 соатгача;
- ✓ 31.3 фоиз бола – 1-2 соатгача;
- ✓ 19.7 фоиз бола – 2-3 соатгача;
- ✓ 6.9 фоиз бола эса 3 соатдан кўп ёки умуман чекловсиз вақтини экран қаршида ўтказар экан.



Ўзбекистонда “10 МИНГ ҚАДАМ ПИЁДА” тажрибаси бўйича “Эко-фаол фуқаро” платформаси фаолияти йўлга қўйилди.



Давлат идораларида ишлаган айрим раҳбарларнинг ўзи назорат қилган ташкилотларга ишга ўтишига ИККИ ЙИЛЛИК ЧЕКЛОВ жорий этилади.



Ўзбекистонда МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН АСКАРЛАРНИ касб-хунарга ўқитиш харажатлари давлат ҳисобидан қоплаб берилади.

2026 йил
20 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №41

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Маҳалламизда бугун 3 036 нафар фуқаро истиқомат қилади. Аҳолининг асосий “драйвер”и — савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш. Эрта тонгдан бозорга отланган инсонларни кўрсангиз, бу юртнинг ризқи меҳнатдан унаётганини ҳис қиласиз. Кимдир умумий овқатланиш шохобчасини юритади, кимдир гўзаллик салонида инсонларга хизмат кўрсатади, яна кимдир савдо дўкони орқали оиласининг рўзғорини тебратади.

Обод маҳалланинг ризқи ҳам, роҳати ҳам — йўли билан сувида...

Камолиддин МАТЧОНОВ,
Қўшқўпир туманидаги
“Маданият” маҳалласи раиси.

2024 йилдан бошлаб маҳалламизнинг қиёфаси тубдан узгара бошлади. Ободонлаштириш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Кечқурун маҳалламиз кўчаларида ёқилган тунги чироқлар нафақат йўлларни, балки одамлар қалбидаги ишончни ҳам ёритгандек бўлди. Илгари айрим хонадонларда кечки пайт сув пасайиб кетиши кузатиладди. Бугун бу муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда.



Маҳалламизда ишсизлик даярли қолмади. Рўйхатда турган 83 нафар фуқаронинг аксарияти иш билан таъминланди. Аслида ҳам меҳнат қилган одам кам бўлмади. Кичик нон ва ширинлик цехлари, хизмат кўрсатиш нуқталари қўллаб оилаларга даромад манбаи бўлиб хизмат қиляпти. Камбағал оилалар даромадини ошириш мақсадида паррандачилик, чорвачилик ва иссиқхона фаолияти бўйича амалий ёрдамлар берилди. Бугун айрим хонадонлар иссиқхоналарида помидор, бодринг ва турли кўкатлар етиштирилмоқда. Масалан, Муножат Ражабовага 30 миллион сўм кредит ажратилиб, 3 сотихли иссиқхона таш-

кил қилинди. Бугун у ўз меҳнати орқали нафақат оиласини таъминляпти, балки қўшниларга ҳам иш ўрни яратмоқда. Назира Юсупова эса “Аёллар дафтари” орқали 10 миллион сўм маблағ олиб, чорва молларини қўпайтиришни йўлга қўйди.



Худудимиз йил сайин шаҳар қиёфасига мослашиб бормоқда. Аммо ҳали олдимизда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Масалан, маҳалламизда 13 сотихдан ортиқ бўш ер майдонлари бор. Биз бу ерларни аҳолига бўлиб бериш ва унумли фойдаланиш бўйича амалий йўл-йўриқ кўрсатишни режалаштирганмиз. Чунки ер — бойлик. Уни парвариш қилган инсон ризқсиз қолмайди.

Инфратузилмада айрим камчиликлар йўқ эмас. Айниқса, эски сув қувурлари муаммоси аҳолини қийнаб келмоқда. Яқинда кучли ёмғирдан кейин бир кўчамизда қувур ёрилиб, сув йўлга тошиб чикди. Оқибатда аҳоли юриши қийинлашди, айрим хонадонларга сув босиш хавфи туғилди. Ўша кўни ёши улуг онахонларимиздан бири: “Обод маҳалланинг ризқи ҳам, роҳати ҳам — йўли билан сувида”, деган гапни айтди. Бу сўз барчамизни уйлантирди.

Шунинг учун ҳозирги энг муҳим вазифаларимиздан бири — эски сув қувурларини таъмирлаш ва 500 метрлик ички кўчаларни асфальтлашдир. Бу борада юқори ташкилотлар ҳам кўмак беришини билдирмоқда. Агар аҳоли, ҳомийлар ва мутасаддилар бирлаша, қисқа вақт ичида бу муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Меҳнатдан шараф, илмдан нажот топган ёшлар — бизнинг фахримиз!

Биз учун энг қувонарлиси — ёшлар таълимни ҳаётдаги энг муҳим йўл деб билмоқда. Аммо улар фақат китоб билан чекланиб қолишмаяпти. Чунки бугунги замон ёши илм билан бирга меҳнатни ҳам қадрлаши керак. Таълим — нажот, лекин хунармандчилик, деҳқончилик, тадбиркорлик каби даромадли йўналишларни ҳам ўрганиш ҳаётда мустақкам ўрин топишга хизмат қилади.

Президентимизнинг “Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва спорт майдончаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маҳаллалар ҳаётида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этишда муҳим ҳуқуқий ва амалий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Отажон ҚУРАМБОВЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Хонқа тумани бўлими бошлиғи.

Мазкур ҳужжат маҳаллалардаги спорт майдончаларини шунчаки иншоот эмас, балки инсон саломатлиги, ёшлар тарбияси, аҳиллик ва жамоавий ҳамжиҳатлик марказига айлантиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Хонқа туманида ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллаларда барпо этилган универсал, стритбол ва воркаут спорт майдончалари бугун ёшларнинг энг сеvimли ва гавжум масканларига айланди. Айниқса, “Беш ташаббус олимпиадаси”да голиб бўлган маҳаллаларда замонавий спорт иншоотларининг қурилиши иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзга чиқаришда муҳим омил бўлаётди.

Этиборлиси, спорт майдончаларини қуриш билан чекланиб қолинмаяпти. Уларнинг тозаллиги, техник соzлиги ва самарали фойдаланилишини таъминлашга ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда.

Маҳалла фаоллари, ёшлар етакчилари ва фидойи ёшлар иштирокида спорт майдончаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда уларни доимий парваришлаш ишлари мунтазам ташкил этиляпти.

Айни кунларда маҳаллаларда 30 ёшдан юқори аҳоли ўртасида спортнинг 7 та тури — мини футбол, волейбол, стол тенниси, стритбол, воркаут, шашка ва шахмат бўйича “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларининг маҳаллалараро босқичи қизгин ва юқори қайфиятда давом этмоқда. Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган “5 минг қадам” тадбирлари ташкил қилиниб, унда 1 821 нафар фуқаронинг иштироки таъминланди. Бадантарбия машғулотларига эса 2 444 нафар аҳоли жалб қилинди. Шунингдек, маҳаллаларда 55 маротаба шахмат ва шашка мусобақалари ўтказилиб, турли ёш вакиллари ўртасида интеллектуал спортга қизиқиш янада кучайди.

Энг муҳими, ҳар бир маҳаллада спорт мусобақаларининг мунтазам ташкил этилиши аҳоли ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, аҳиллик, бирдамлик ва ўзаро ҳурмат каби қадриятларни мустаҳкамламоқда. Спорт майдонлари бугун нафақат жисмоний чинқиш, балки инсонларни бир мақсад атрофида бирлаштирадиган, ёшларга куч-ғайрат ва ишонч бағишлайдиган тарбия масканига айланган.



Машрабжон ФОЗИЛОВ,
Балиқчи туманидаги
“Навнихол” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда иқтидорли ёшлар кўп. Масалан, мебел-созлик билан шуғулланувчи Элбек Раҳимовни кўрган одам унинг ёғочга эмас, гўё санъат асарига ишлов бераётганига ишонади. Ёш йигитнинг қўли гул. У ясаган стол, курсилар ва шкафларга талаб жуда юқори. Тажриба ҳар қандай ишда муҳим, албатта. Аммо Элбекнинг туғма истеъдоди айрим бир неча йиллик тажрибали усталардан ҳам ўзиб кетган. У бир кунда ўртача 2-3 та буюртма учун мебель тайёрлайди. Ойига тахминан 8-10 миллион сўмгача соф фойда қилаётгани унинг меҳнатга бўлган меҳри ва сабри самарасидир.

Таълим соҳасида ҳам ёшларимиз катта натижаларга интиляпти. Ўқув марказларида қўллаб йигит-қизлар тиббиёт олийгоҳларига тайёргарлик қўришмоқда. Асосан, кимё ва биология фанларига қизиқиш юқори.

Гулсал Ҳамидова эса бунинг ёрқин намунаси. У ҳозир магистратура босқичида таҳсил олиш билан бирга, маҳалламизнинг оилавий поликлиникасида иш фаолиятини олиб бормоқда. Ёш бўлишига қарамай, аҳолига сидқидилдан хизмат қилаётгани қўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Ёш тадбиркорларимиз орасида Элёрбек Ҳамидовнинг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. У маҳаллада катта лимончилик ҳўжалигини йўлга қўйишни мақсад қилган. Хозирда 1 гектар лимонарияга қараб, нафақат маҳалламиз, балки вилоятимиз аҳолисини ҳам қиш ва баҳор мавсумида лимон билан таъминлаб келмоқда. Унинг уйидаги катта музлатгич омбори меҳнатининг самараси ва келажак режаларининг белгисидир.

Маҳаллада ишсиз сифатида рўйхатга олинган 28 нафар ёшнинг 26 нафари бугун иш билан таъминланди. Улар орасида кредит олиб тадбиркорлик бошлаганлар, доимий ишга жойлашганлар кўп.

Албатта, ёшлар ҳаётида фақат иш ва ўқишнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳам муҳим вазифа. Яқинда маҳалламизда содир бўлган бир воқеа барчамизни уйлантириб қўйди. Кечки пайт ёшлар спорт билан шуғулланиш учун жой тополмай, кўча четида тўп тепиб юришганида, кичик бахтсиз ҳодиса юз бериш арафасида қолди. Шу воқеадан кейин бир ҳақиқат янада аён бўлди — ёшларга спорт майдончаси сув ва хаводек зарур.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Шунинг учун маҳалламизда замонавий спорт майдончаси барпо этиш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Агар ҳомийлар, тадбиркорлар ва масъул ташкилотлар бирлашса, қисқа вақт ичида ёшлар учун муносиб спорт маскани қуриш мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Анора БОЙМУРОВА,
Тошкент вилояти:

— 15 ёшдаман. Иسمи кўпчиликка ноодатий эшитилади, шу сабаб исминини ўзгартирмоқчиман. Қонунчилида фуқаро неча ёшдан бошлаб исм ёки фамилиясини ўзгартириш ҳақида мустақил ариза бера олади?


ИСМ-ФАМИЛИЯНИ НЕЧА ЁШДАН ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН?

Муҳаммадмин ТЎЛҚИНОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Фуқаро исм, фамилия ёки ота исминини ўзгартириш ҳақида 16 ёшга тўлгандан сўнг мустақил равишда ариза бериш ҳуқуқига эга. Бу тартиб Оила кодексининг 226-моддаси ҳамда Фуқаролик ҳолати даполатномаларини қайд этиш қоидаларида белгиланган.

Қонунчиликка қўра, 16 ёшга тўлган фуқаро яшаш жойидаги ФХДЕ органига мурожаат қилиб, исм ёки фамилиясини ўзгартиришни сўраш ҳуқуқига эга. Агар сиз ҳали 16 ёшга тўлмаган бўлсангиз, исм ёки фамилиянгизни ўзгартириш ота-онангизнинг биргаликдаги розилиги асосида амалга оширилади. Яъни 10 ёшдан катта боланинг фикри ҳам инобатга олинади.

Шунингдек, қонунда исм ёки фамилияни ўзгартириш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳам кўрсатилган. Жумладан, исм ёки фамилия ёқимсиз эшитилганда, миллий аъёналарга мослаштириш истаги бўлганда, никоҳдан олдинги фамилияни қайтаришда ёки бошқа асосли сабабларга қўра фуқаро мурожаат қилиши мумкин.



ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА электр энергияси (30 минг сўмдан 37,5 минг сўмга) ва табиий газ (200 минг сўмдан 225 минг сўмга) учун компенсация миқдори ошади.



Ўзбекистон КУНЛИК СУВ ИСТЕЪМОЛИ ЮҚОРИ бўлган давлатлар қаторига кирди. Ўртача бир кишига тўғри келадиган сув миқдори тахминан 4 778 литрга тенг.



Ислом цивилизацияси марказида Ўзбекистонга қайтарилган НОЁБ ТАРИХИЙ ОСОРИ АТИҚАЛАР илк бор кенг илимий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

6

Mahalla

№41

2026 йил
20 МАЙ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Бухоро вилоятининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларга ижтимоий, тиббий ва маиший хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

ИНСОН ҚАДРИ — ЭЪТИБОР ВА ХИЗМАТЛАРДА НАМОЁН



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Ана шундай фуқаролардан бири Олот туманининг Усмоншайх номли маҳалласида яшовчи, I гуруҳ ногиронлиги бўлган Мухаррам Тоҳировадир. 1968 йилда туғилган фуқаро бугунги кунда “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида кўплаб ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган.

Жумладан, унга ижтимоий-маиший ҳамда тиббий-реабилитация хизматлари мунтазам кўрсатилиб, кундалик эҳтиёжларини енгиллаштириш мақсадида манзилли ёрдамлар ташкил этилган. Шунингдек, ҳомийлик асосида мослаштириш хизмати орқали фуқаронинг уйи таъмирланиб, яшаш шароитлари яхшилانган. Ҳар ой компенсация тўловлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Тиббиёт муассасалари зарур дори-дармон воситалари билан таъминлаб, даволаниши учун ордерлар ажратаётгани эса унинг саломатлигини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, Қорақўл туманидаги “Тинчлик” маҳалласида истиқомат қилувчи якка-ёлғиз кекса Тошпўлат Қутлиев ҳолидан ҳам мунтазам хабар олинмоқда. Фуқарога ижтимоий ҳодим реабилитация қилишнинг техник воситаларини етказиб берган бўлиб, у ҳам “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги хизматлар билан қамраб олинган. Бундан ташқари, коммунал тўловлар учун компенсация тайинланган, куз-киш мавсуми ҳамда муборак Рамазон ойи муносабати билан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган.



Қорақўл тумани “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Раъно Холмуродова ҳам доимий эътибор ва ғамхўрлик билан қамраб олинаётган фуқаролардан бири. Унга ҳам ходимлар бир қатор ижтимоий хизматларни кўрсатяпти. Энг муҳими, фуқаро ўзини ёлғиз ҳис қилмаяпти. Атрофдагиларнинг меҳри ва қўллаб-қувватлаши билан умрини мазмунли ўтказяпти.

Бугунги кунда амалга оширилаётган бундай манзилли ижтимоий хизматлар ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳаётдан мамнун яшаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ҳамда эртанги кунга ишонч билан қарашига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, инсон қадрини улуғлашиб, меҳр ва эътибор амалии ишлар орқали намоён этилмоқда.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ҚИЙНАЛГАННИ ҚЎЛЛАСАК, ДАРДМАНДГА ДАЛДА БЎЛСАК, МАРРА БИЗНИКИ!”

Ҳар бир инсон ҳаётида касб танлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки у нафақат тирикчилик манбаи, балки кишининг жамиятдаги ўрни ва инсонларга қанчалик фойда келтира олишини белгилайдиган мезон. Мен учун эса ижтимоий ходимлик — қалб танлови ва фахр йўлидир.

Озода ҲАЛИМОВА, Гулистон шаҳридаги “Сайқал” маҳалласи ижтимоий ходими.

Аслида, дефектолог-логопед сифатида таълим олганман. Бироқ ҳаёт мени инсонлар билан янада яқинроқ ишлаш, уларнинг муаммоларига ечим топиш сари етаклади. Шу тариқа маҳаллада ижтимоий ходим сифатида фаолият бошладим.



Қисқа давр мобайнида турли тақдирларга дуч келдим. Ҳар бир мурожаат ортида инсон дарди, унинг умиди ва ишончи муҳасса эканини кўрдим. Шунинг учун ҳам ишимга доимо масъулият ва меҳр билан ёндашдим.

Жорий йилда 4 нафар фуқарони “Ёлғиз яшовчи кексалар” реестрига киритдик ва уларни чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш ҳамда ижтимоий хизматлардан фойдаланишга қўмаклашдик.

Шу билан бирга, 8 нафар ногиронлиги бўлган шахсни иш билан таъминланишига ёрдам берилди. 10 нафар ногиронлиги бўлган фуқарони адаптив спорт турларига жалб қилишга эришдик. 4 нафар алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болани ижтимоийлашувини таъминлашда ҳам муносиб ҳисса қўшдик.

Хатлов жараёнида 14 йил давомида туғилганлиги ҳеч қаерда қайд этилмаган, бола-

ни аниқладик ва унга гувоҳнома олишга қўмаклашдик. Бу эса унинг келажаги учун жуда муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, ҳомийлар 2 нафар фуқаронинг фарзанди учун жарроҳлик амалиётига моддий ёрдам ажратди. Уларнинг кўмагида 50 ва 20 миллион сўм маблағ қўллаб берилди. Бу орқали болаларнинг соғлиги тикланишига ва оилаларнинг умиди қайта жонланишига ҳисса қўшдик.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

“Ақлли” ва “яшил” уйда яшаш янада қулай

Ҳадияхон ая Мамажоновна 60 ёшни қаршилаган. Саломатлиги билан боғлиқ муаммолар туфайли кундалик ишлари мустақил бажаришга қийналади.



Давлатжон ПОЛВОНОВ, журналист.

Фуқаронинг ҳолатини “Инсон” маркази мутахассислари халқаро амалиётда қўлланиладиган Бартель ва Лоутон шкаллари асосида баҳолади. Натижаларига кўра, Ҳадияхон ая 51 балл билан “ўзганинг ёрдамига анча боғлиқ” тоифасига киритилди. Шунга кўра, фуқарога ассистент бириктирилди ва ҳафтанинг тўрт кунида 3 соатдан уйда маиший хизматлар, ҳафтанинг қолган уч кунида 2 соатдан тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари кўрсатилиши таъминланди.

Ҳадияхон аянинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш мақсадида унга ҳар ойда минимал истеъмор харажатлари учун моддий ёрдам тўлаб келинапти. Эътиборли жиҳати шундаки, фуқаронинг хонадони замонавий “ақлли уй” технологияси билан жиҳозланди. Энди у ортиқча жисмоний қийинчиликларсиз, овоз орқали хонадондаги маиший жиҳозларни масофадан туриб бошқариш имкониятига эга бўлди. Ёритиш ва хонани шамоллатиш тизимлари, телевизор ва бошқа қурилмаларни товуш орқали идора қилиш имконияти Ҳадияхон ая учун катта енгиллик яратди. Бу каби замонавий ечимлар нафақат ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштиради, балки уларнинг мустақил яшаш имкониятини кенгайтиради, ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Ижтимоий реестрга киритилган, I гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда меҳнатга лаёқатли азбоси мавжуд хонадонларни “яшил” таъмирлаш бўйича амалий ишлар жадаллиқ билан олиб бориляпти. Жумладан, Данғара туманидаги жами 44 та маҳалла кесимида ўрганиш ишлари ташкил этилиб, Ижтимоий реестрга киритилган ҳамда қарор талабларига мос келувчи 16 та оила аниқланди.

Чирчиқ шаҳридаги “Шодлик” маҳалласида истиқомат қилувчи Руслан Эгамуродовлар оиласи бугун нафақат ўзининг 2 нафар фарзандига, балки меҳрга муҳтож бўлган яна 5 нафар болага ҳам меҳр ва эътибор кўрсатиб келмоқда.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, Ижтимоий химоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Ушбу оилавий болалар уйида гўдакларнинг ҳар жиҳатдан камол топиши, билим олиши ва келажақда муносиб касб эгаси бўлиши учун зарур шароитлар яратилляпти. Айни пайтда мазкур хонадонда Тошкент вилояти прокуратураси, Ижтимоий химоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда саховатпеша тадбиркор ҳамкорлигида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу эзгу ташаббус оилавий болалар уйидаги фарзандлар учун янада қулай ва замонавий муҳит яратишга хизмат қилади.



Болаларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилган, улар қўшимча тўғарақларга жалб қилинмоқда ҳамда қизиқишлари қўллаб-қувватланыпти. Натижада улар ўз орзулари сари дадил қадам ташламоқда. Мисол учун, Маржона инглиз тили тўғарагига қатнайди, рассомчиликка қизиқади. Келажақда шифокор бўлишни орзу қилади. Ёдгара эса қўшиқ айтишга қизиқади. Келгусида ички ишлар ходими бўлиш ниятида. Асал стоматолог

бўлишни мақсад қилган. Сафина эса Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олишни истади. Саида таниқли санъаткор бўлишни орзу қилади.

Бундай меҳрибон ва фидойи оилалар бор экан, жамиятда эзгулик ва саховат туйғуси янада мустаҳкамланади. Энг муҳими, ҳар бир боланинг орзулари ушалиши ва бахтли келажақ сари интилиши учун кенг имкониятлар яратилади.



Ёрдам олган инсонларнинг кўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдириши мен учун энг катта бахт ва ютуқдир. Энг муҳими, мен уларнинг қалбидан жой олдим ва қилган хизматларимдан кимнингдир турмуши яхшиланди.

Ишонаманки, инсон ўз касбини севса ва уни сидқидилдан бажарса, албатта, ижобий натижаларга эришади. Қолаверса, қийналганини қўллаб, дардманга далда кўрсатиш каби миллий анъаналаримизни давом эттириш билан ўзлигимизни чуқурроқ англаб етامي.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...

Бахт ва меҳр туйғусидан баҳраманд оила



Ўзбекистонда жорий йилда “VOLKSWAGEN”, “FOTON” ва “JAC” заводлари ишга туширилиши режалаштирилган.



СЕНАТ МАЪҚУЛЛАГАН ҚОНУНГА ҚЎРА, сотувчи харидорнинг қонуний талабини бажармаса, электрон платформа зиммасига ҳам масъулият юкланади.



Ўзбекистонда тўрт ойда қурилиш корхоналарининг СОЛИҚ ҚАРЗИ 3 ТРИЛЛИОН СЎМГА етди.

2026 йил
20 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№41

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

СОХТА ТАДБИРКОРЛИК: ЙЎЛИ ЕНГИЛ БЎЛГАНИ БИЛАН ОҚИБАТИ ОҒИР БЎЛАДИ



Солиқ тизимида ишлаган инсон сифатида бир ҳолатни кўп кузатганман: давлат фуқароларга имконият беради, аммо ҳамма ҳам бу ишончни оқлайвермайди.

Абдунаби ҚУРБОНОВ,
Ғузур туманидаги “Хумдон”, “Авғонбоғ”, “Буюк қарвон” маҳаллалари солиқ инспектори.

Айниқса, сўнгги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар, солиқ енгилликлари кенгайтирилди. Кимдир бу имкониятдан фойдаланиб иш ўрни яратяпти, маҳсулот чиқаряпти, оиласини таъминлаяпти. Аммо айримлар борки, тадбиркорликни меҳнат эмас, осон пул топиш воситаси деб ўйлайди.

Яқинда бир ҳолат бизни ҳам анча ўйлантирди. Фуқаролардан бири иссиқхона ташкил қилиш баҳонасида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Хужжатларда ҳаммаси жойида эди: ер майдони, иссиқхона лойиҳаси, кредит шартномаси. Унга банк 120 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Хужжатларга қараганда, у помидор ва бодринг етиштириб, бозорни маҳсулот билан таъминлаши керак эди.

Аввалига ҳамма иш жойидадек кўринди. Лекин орадан тўрт ой ўтиб, солиқ ҳисоботлари таҳлил қилинганда қизиқ ҳолат аниқланди. Иссиқхона катта айланма кўрсатган, аммо электр энергияси сарфи жуда кам эди. Ёпиқ экин майдони учун сув



сарфи ҳам деярли кузатилмаган. Энг қизиғи, расмий ҳисоботда кўрсатилган маҳсулот ҳажмига мос савдо йўқ эди.

Шундан кейин текширув ўтказилди. Бориб қарасак, “иссиқхона” деб кўрсатилган жойда фақат темир-терсак турибди, холос. Ичкарида эса на кўчат бор, на ишчи. Маълум бўлишча, фуқаро кредит маблағининг асосий қисмини шахсий эhtiёжларига ишлатган. Айрим қисмига автомашина таъмирлатган, яна бир қисмини эса бошқа қарзларини ёпишга сарфлаган.




Бугун солиқ тизими аввалгидек эмас. Ҳар бир ҳисобот электрон таҳлилдан ўтади. Банк айланмалари, электр ва сув сарфи, онлайн ҳисоботлар бир-бири билан солиштирилади. Агар рақамларда сунъийлик бўлса, тизим шу заҳоти хавф белгисини чиқаради. Бу ҳолатда ҳам айнан рақамлар фуқаронинг ёлғонини очиб берди.

КАШҚАДАРЁ

ИҚТИСОДИЁТ

Лондонда тарихий кун: ЎЗБЕКИСТОН АКТИВЛАРИ ЖАҲОН КАПИТАЛ БОЗОРИГА ЧИҚДИ!

Дунёнинг энг йирик ва қадимий биржаларидан бири — Лондон фонд биржасига Ўзбекистон Республикаси Миллий инвестиция жамғармаси акцияларининг бирламчи оммавий жойлаштирилиши (IPO) жараёни бўлиб ўтди.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Дарҳақиқат, бу шунчаки оддий воқелик эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиёти тарихида янги саҳифа очган муҳим воқеа бўлди. Чунки мамлакатимиз тарихида илк бор миллий компаниялар акциялари халқаро фонд бозорига олиб чиқилди. Бу воқеа дунё мамлакатларининг Ўзбекистонга бўлган ишончи ва мамлакатдаги иқтисодий ислохотларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда.

Кўпчилик учун “IPO” тушунчаси мураккаб эшитилиши мумкин. Аслида, унинг содда моҳияти шундаки, давлат корхоналари ёки компаниялар ўз акцияларини биринчи марта оддий одамлар ва инвесторлар учун сотувга чиқаради.

Яъни энди ушбу компанияларга нафақат давлат, балки хусусий инвесторлар ҳам шерик бўлиши мумкин. Бу эса очкилик ва шаффофликни кучайтиради.

Мазкур жараёнга бўлган қизиқиш давлат, балки хусусий инвесторлар ҳам шерик бўлиши мумкин. Бу эса очкилик ва шаффофликни кучайтиради. Мазкур жараёнга бўлган қизиқиш давлат, балки хусусий инвесторлар ҳам шерик бўлиши мумкин. Бу эса очкилик ва шаффофликни кучайтиради.

Миллий инвестиция жамғармаси 2024 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг портфелига мамлакатимиздаги 13 та йирик давлат корхонаси киририлган. Улар орасида “Ўзбектелеком”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Худудгазтаъминот”, “Uzbekistan Airways”, “Ўзсувтаъминот” каби стратегик аҳамиятга эга компаниялар бор. Бугун жамғарманинг соф активлари 2,4 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Бу ерда энг муҳим жиҳат шундаки, “IPO”дан мақсад фақат маблаг жалб қилиш эмас. Асосий мақсад — компанияларда замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш, халқаро стандартларга ўтиш ва молиявий шаффофликни таъминлашдир. Чунки инвестор биринчи навбатда компаниянинг очик ва ишончли ишлашига эътибор беради.

Жараёни Франклин Темплетон халқаро инвестиция компанияси мувофиқлаштирмоқда. Ушбу компания Лондон, АҚШ ва Европа давлатларида 170 дан ортиқ инвесторлар билан учрашувлар ўтказгани ҳам Ўзбекистонга бўлган қизиқиш юқори эканини аниқлатади.

Бу воқеанинг яна бир аҳамиятли жиҳати — келажақда бошқа йирик миллий компанияларни ҳам халқаро фонд бозорларига олиб чиқиш режалаштириляётганидир. Яқин йилларда “Ўзбектелеком”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Худудий электр тармоқлари” каби корхоналар акциялари ҳам оммавий савдога чиқарилиши мумкин.

Энг муҳими, бу жараёнлар оддий инсонлар ҳаётига ҳам таъсир қилади. Чунки иқтисодиётга инвестиция яриб келса, янги иш ўринлари яратилади, рақобат кучаяди, хизмат сифати ошади. Компаниялар очик ва самарали ишлашга ҳаракат қилади. Бу эса мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига муносиб хисса қўшади. Лондон фонд биржасидаги ушбу тарихий қадам Ўзбекистоннинг дунёга очилаётгани, иқтисодиётда янги фикр ва янги тизим шаклланаётганининг яна бир амалий исботи бўлди.

ҲОЛАТ

Ўтган ҳафта бир тадбиркор танишим ҳаяжон билан кўнғироқ қилди. Унга солиқ ташкилотидан: “Нега ҳар ой ҚҚС тўламайсиз?”, деган мазмунда мурожаат бўлибди. Тадбиркор эса ҳайрон: “Ахир мен товарни ҳали тўлиқ сотганим йўқ, омборим тўла-қу”, дейди.

Қўшилган қиймат солиғи ҳар ой чиқиши шартми?

Отабек БАКИРОВ,
иқтисодчи.

Аслида, ҚҚС бўйича энг кўп учрайдиган тушунмовчилик ҳам шу ерда. Кўпчилик “ҚҚС тўловчи корхона ҳар ой, албатта, солиқ тўлаши шарт”, деб ўйлайди. Лекин бу ҳар доим ҳам тўғри эмас. Чунки ҚҚС — айланмадан эмас, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ.

Содда қилиб айтганда, тадбиркор товар сотиб олганда ҳам ҚҚС тўлайди. Кейин ўша товарни сотганда ҳисобланган ҚҚСдан аввал тўланган ҚҚС айириб ташланади. Шундагина тўланадиган солиқ чиқади.

Формуласи жуда оддий: Сотувдаги ҚҚС – Хариддаги ҚҚС = Тўланадиган ҚҚС.

Масалан, тадбиркор катта миқдорда товар олиб келди, лекин унинг ярми ҳали омборда турибди.

Саҳифани
“Mahalla”
мухбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Бу ҳолатда ҚҚС тўловга чиқмаслиги табиий. Айниқса, улгуржи савдо, қурилиш материаллари ёки техника сотадиган корхоналарда товар айланиши узоқ давом этади. Демак, ҚҚС чиқмаяпти дегани — албатта, қоидабузарлик дегани эмас.

Афсуски, айрим нотўғри қарашлар туфайли “ҳар ой ҚҚС чиқиши керак”, деган фикр шаклланиб қолган. Узоқ вақт ҚҚС тўловга чиқмаса, корхонага дарров шубҳа билан қаралади. Ваҳоланки, инсофли тадбиркор ҳам товарини сотиб бўлмагунча ҚҚС тўламаслиги мумкин.



Энг муҳими, ҚҚСнинг моҳиятини тўғри тушуниш керак. Солиқ тизими тадбиркорни қийнаш учун эмас, иқтисодиётни тартибга солиш учун хизмат қилади. Тўғри тушунча ва адолатли ёндашув бўлса, ҳам тадбиркор, ҳам давлат ютқазмайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Назира ҲАЙИТОВА.
Сурхондарё вилояти:

— Ходим 2026 йил 2 майдан 13 майгача бўлган даврда таътилда бўлган. Ишлаб чиқариш календарига мувофиқ, 9 май — шанба, байрам куни 11 май, душанба кунига кўчирилди. Таътил пулини ҳисоб-китоб қилишда ходимга кўчирилган дам олиш куни учун ҳақ тўланадими?

Кўчирилган дам олиш куни таътилга қўшиладими?



Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
“Норма” эксперти:

— Меҳнат кодексига қўра, ҳар йилги меҳнат таътили вақти учун ҳақ тўлашда яқшанба куни инобатга олинмайди. Уртача иш ҳақи ўртача кунли иш ҳақини таътил кунлари сонига (яқшанба ва байрам кунларидан ташқари) кўпайтириш орқали белгиланади.


Бундан келиб чиқадики, ҳақ тўланадиган таътил кунларидан фақат яқшанба ва байрам кунлари чиқариб ташланади. Кўчирилган дам олиш куни бундай кунлар жумласига қирмайди. Бинобарин, 2026 йил 11 май таътил давомийлиги ҳисоб-китобига киритилади ва унга ҳақ тўланади.



Ҳарбий хизматчиларга
БҲМНИНГ
100 БАРАВАРИГАЧА
МИҚДОРДА
моддий ёрдам тўлаш
имконияти
яратилади.



ИИБ Академиясида
кибермакондаги
хавф-хатарларга қарши
самарали курашишга
қаратилган
ЎҚУВ КУРСИ
ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.



Тақиқланган
диний материаллардан
огоҳлантириш ва
хабардор қилиш тизими
— “@DINUZBBOT”
МАҲСУС ЧАТ БОТИ
ишга туширилди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

Эй, сиз одамлар, эссиз одамлар...

Ёшлик жўшқин дарёга қиёсланади.
Бу даврдаги куч-ғайратни илм олишга,
касб ўрганишга сарфлаш лозимлигини
ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди.
Афсуски, умрини бесамар, мазмунсиз
ўтказаётган ана шундай ёшлар йўқ эмас...



“ПАНЖАРА
ОРТИДА
ҚУЁШ ЁРҚИН
ПОРЛАМАЙДИ...”

Фарғона вилоятида аниқланган жиноий гуруҳ
аъзолари ҳам ёшлардан иборат экани таш-
вишли. Тафсилотлар билан танишиш жараёнида ай-
римлар панжара ортида ўтирган ёш йигитларга ачи-
ниш билан қараши аниқ. Чунки гуруҳ таркибида 15, 18,
20 ёшли шахслар бор. Улар ўқиши, изланиши, касб-ҳу-
нар ўрганиши ва келажагини яратиши лозим бўлган
даврда боши берк кўчага киришган.

Ички ишлар органлари тезкор ходимлари аниқла-
шича, 2004 йилда туғилган шахс гуруҳга етакчилик
қилган. Жиноий ҳаракатларни ташкил қилишда бажару-
вчи ва ёрдамчи шахслардан иборат 5 нафар ёшчи
ёнига жамлаган.

Аслида, бу йигит тенгдошлари сингари бирор касб
ёки ҳунар эгаллаши, оиласи, халқи, она юртига нафи-
тегиши мумкин эди. Афсуски, ўзгаларнинг молига эга
чикиб, осонгина мўмай даромад орттиришни ўзига
мақсад қилиб олди, такрор-такрор жиноий ишга қўл
урди. Ачинарлиси, аввал ҳам Жиноят кодексининг
97-моддаси билан судланган, лекин тегишли ҳулоса
чиқармаган. Мана энди яна ёш умри ҳазон бўлиб, ҳа-
ётининг энг навқирон дамларини панжара ортида ўт-
казишга мажбур бўлмоқда.



Олти нафар ёш йигитлардан иборат гуруҳ
аъзолари Қирғули даҳасидаги мактаб
ўқувчилари ва фуқароларни қўрқитиш, тан
жароҳати етказиш билан таҳдид қилиб,
телефон ва моддий бойликларини ўғирлик,
фирибгарлик, талончилик йўли билан
ўзлаштириб келган. Шунингдек, мазкур тўда
ўз атрофига бошқа шахсларни ҳам жалб
этишга мунтазам ҳаракат қилган.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор
ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари би-
лан ҳамкорликда ўтказган тадбирда уларнинг ноқо-
нуний фаолиятига чек қўйишди. Барча аъзолар қўлга
олинди. Топилган уяли алоқа воситалари, гашиш ги-
ёҳвандлик моддаси ва совуқ қуроллар ашёвий далил
сифатида расмийлаштирилди. Ҳозирда терговга қадар
текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда. Уларнинг
қалбига қулоқ тутсангиз, “Панжара ортида қуёш ёрқин
порламас экан”, деган болаларча пушаймонлигидан
қалбингиз эзилади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Бу ёшларнинг
жиноят кучасига кириб кетишига ким айбдор? Биз-
нингча, оила, ота-она, яқин қариндошлар, мактаб ва
маҳалла эътиборли бўлганида, бу жиноятнинг олди
олинар эди.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси
ахборот хизмати.



БУХОРО

Ташвиш тугма-
си орқали
хабар келди.
Тезда воқеа
жойига етиб
бордим.
Маълум
бўлишича,
маст ҳолдаги
оила бошлиғи
вояга етмаган
қизи ва турмуш
ўртоғи билан
ўзаро жанжал-
лашиб, уларни
калтаклаб,
тан жароҳати
етказган.
Устига-устак
ота уларни
шаъни, кадр-
қимматини кам-
ситувчи сўзлар
билан ҳақорат
қилган. Ҳуқуқ-
бузар ва жа-
брланувчилар
ўртасида юзага
келган кўнгил-
сиз ҳолат барта-
раф этилди.
Ҳолатга
қонуний баҳо
берилди.

“БИТТА ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛИШИ ҲАМ
БИЗ УЧУН КАТТА ФОЖИА”



ТАКЛИФИМ — ФУҚАРОЛИК ВА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БОШҚА
ХУДУДДАН ВАКТИНЧА ЯШАШ УЧУН КЕЛГАН ФУҚАРО ҲАҚИДА МАҲАЛЛА ОГОҲЛАНТИРИЛСА, САМАРАДОРЛИК ТАЪМИНЛАНАР ЭДИ.

Аҳмаджон ИБРОҲИМОВ,
Бухоро шаҳридаги
“Шодлик” маҳалласи
профилактика инспектори.



Жиноятчиликни жи-
ловлаш осон иш эмас.

Айниқса, бу оилавий муносабатлар
асосида рўй берган бўлса, янада му-
раккаб ва нозик ёндашувни талаб
этади. Шу боис, унинг келиб чиқиш
омилларига эътибор беряпмиз. Тах-
лилларга кўра, аксарияти лоқайдлик,
эътиборсизлик, хотиржамлик, “менга
нима” қабилида иш олиб бориш ор-
тидан юзага келмоқда. Ҳўш, бу бора-
да маҳалламизда қандай чора-тад-
бирлар амалга оширилмоқда?

Аввало, “еттилик” билан ҳамкор-
ликда ишсизлик, камбағалликни
қисқартиришга, ҳар бир оиланинг
муаммосини индивидуал ёндашув
асосида ҳал этишга ҳаракат қилия-
миз. Бу орқали содир этилиши мум-
кин бўлган жиноятларнинг олди
олинмоқда. Чунки доимий даромад
манбага эга, тадбиркорга айланган,
иш билан таъминланган шахс но-
мақбул ишларга қўл урмайди.



Жиноятларнинг олдини олиш,
криминоген вазиятни барқа-
рорлаштириш мақсадида
“Бухоро тажрибаси”ни жорий
этидик. “Йўл харита”си ишлаб
чиқилиб, ижрога қаратилди.
“Ижтимоий профилактика”
тизими янада такомиллашти-
рилиб, жиноятларнинг илмий
ёндашув асосида олдини олиш
учун “Таҳлилий тадқиқот” мар-
кази фаолияти йўлга қўйилди.

Унда жиноятлар-
ни содир этган аёллар,
вояга етмаганлар ва
ёшлар оилаларидаги
муҳит, ҳаёт кечириш
тарзи, бандлиги ҳамда
ҳуқуқий билим савия-
си таҳлил қилиниб,
жиноятга сабаб бўлган
омилларни бартараф
этиш юзасидан амали-
ёт жорий қилинди.

“Мобиль психоло-
гик хизмат кўрсатиш”
ва “Мобиль тарғи-
бот” гуруҳлари таш-
кил этилиб, ҳар бир

муаммоли оиланинг
низоларини бево-
сита жойига чиққан
ҳолда, манзилли ҳал
этиш амалиёти йўлга
қўйилди. Умумтаълим
мактабида қўшма режа
тасдиқланиб, жиноят
содир этишга мойил
бўлган алоҳида тоифа-
даги ўқувчилар билан
ишлаш тизimini яратил-
ди. Амалга ошираётган
бу тадбирларимиз ўз
самарасини кўрсат-
моқда. Хусусан, олдини
олиш мумкин бўлган

жиноятлар — ўғирликлар,
безорилик кўрсаткичи, шу-
нингдек, ёшлар, аёллар ва
вояга етмаганлар жинояти
камайиб бормоқда.

Шаҳар марказида жой-
лашганимиз учун 4 400 на-
фар аҳоли 52 та кўп қават-
ли уйлارда яшайди. Ҳар
бир уйнинг кириш қисмига
ва кўча бошларига куза-
тув камераси ўрнатилгани
яхши самара берди. Кичик
кўнгилсизлик ҳам вақти-
да бартараф этилмоқда.
“Яшил” тоифадаги ҳудудлар
сафига киришимизнинг
энг муҳим омили — ҳар бир
фуқаро қалбида дахлдор-
лик туйғусини уйғотиш-
га эришдик. Улар бирор
воқеага нисбатан бепар-
во муносабатда бўлмайди.
“Маҳалламизда жиноят
содир бўлмаслиги керак”,
деган эзгу шиор билан
йашашга одатланишди.
Қолаверса, бу ерда “Отанг
— маҳалла, онанг — маҳал-
ла”, деган пурмаъно ҳикмат-
нинг амалдаги ифодасини
қўриш мумкин. Битта
жиноят содир бўлиши —
биз учун катта фожиа.

Худудда, асосан, кўп
қаватли уйлар жойлашган
учун вақтинча яшовчи
фуқаролар билан бир му-
аммо кузатилмоқда. Яъни
маҳаллага вақтинча яшаш
учун келганлар ҳақида
вақтида хабар топа олма-
ямиз. Аввал бундай вазиятда
маҳалла огоҳлантирилар
эди. Таклифим — фуқаро-
лик ва миграция соҳасида
давлат хизматларини кўр-
сатиш тизimini такомил-
лаштириш, бошқа ҳудуддан
вақтинча яшаш учун кел-
ган фуқаро ҳақида маҳал-
ла огоҳлантирилса, сама-
радорлик таъминланар
эди. Ҳар қандай жиноят ва
ҳуқуқбузарликнинг барвақт
олди олинарди.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Сардор СУЛАЙМОНОВ,
Когон тумани:
— Ҳуқуқбузарлик
содир этилса,
профилактика
инспектори баённома
расмийлаштиради.
Шундай вазиятда
гумонланувчи
ҳужжатлар судга
юборилишидан аввал
таништириладими?

ҲУЖЖАТЛАР
БИЛАН
СУДДАН АВВАЛ
ТАНИШИШ
МУМКИНМИ?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоат хавфсизлиги департа-
менти ахборот хизмати ходими:

— Амалдаги қонунларга кўра,
давлат органлари ва ташкилотлари,
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқар-
иш органлари, уларнинг мансаб-
дор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқла-

ри ҳамда қонуний манфаатларига
дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарор-
лар ва бошқа материаллар билан
танишиб чиқиш имкониятини таъ-
минлаши шарт экани кўрсатилган.

Шу асосида гумонланаётган
фуқаро тайёрланган ҳужжатлар би-
лан танишиб чиқишга ҳақли. Про-
филактика инспектори бунинг учун
имконият бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 847 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-520



Mahalla

Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмасининг
ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов